

**«Андижон ХЭТК» АЖ
Акциядорларининг навбатдаги
2016 йил «28» июнь умумий
йигилиши қарори билан
ТАСДИКЛАНГАН**

_____ **С.И.Юсупов**

**«Андижон ХЭТК» АЖ
Дивиденд сиёсати тугрисидаги**

ЎИЗОН

Андижон шаҳри.

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**
- II. ДИВИДЕНД МИҚДОРНИ АНИКЛАШ ВА УНИ ХИСОБ КИТОБ КИЛИШ.**
- III. ДИВИДЕНД ТУЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.**
- IV. ЭЪЛОН КИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТУЛАШ ТУГРИСИДА ЖАВОБГАРЛИК.**
- V. АХБОРОТЛАРНИ ОЧИШ ТАРТИБЛАРИ.**
- VI. ХУЛОСА.**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

Ушбу Дивиденд сиёсати тугрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, «Андижон ХЭТК» АЖ устави, «Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш» комиссиясининг 2015 йил 31 декабрь 9-сонли йиғилиш баённомаси ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Низом жамият дивиденд сиёсатининг асосий принциплари, дивиденд тулаш учун қарор қабул қилиш ва дивиденд миқдорини ҳисоблаш тартибларини белгилайди.

Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорлар фаровонлигини ошириш, жамият маблағларини капитализация қилишга йуналтирилган бўлиши керак. Низом узининг мақсади қилиб акциядорлар ва бошқа қизиқувчи шахсларни жамиятнинг дивиденд сиёсати тугрисида маълумот билан таъминлаш ҳисоблайди.

Ушбу Низом Кузатов кенгашининг акцияларга туланадиган дивидендлар миқдорлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг тулов тартибларига қандай ёндошишини аниқлаш учун мулжалланган.

1. Ушбу Низомда фойдаланилган терминлар ва уларнинг талқини Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида»ги ва «Қимматли қўғозлар бозори тугрисида»ги қонунларга асосланган бўлиб, ушбу қонунларда қандай ифодаланган бўлса шу мазмунда қулланилади.

2. Низом мақсадлари учун қуйидаги терминлар ва уларнинг ифодалари фойдаланилган.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши. Жамият кузатов кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш, жамият аудиторларини белгилаш, жамиятнинг яққабошчилик асосидаги ижроия органи билан шартномалар тузиш, шартноманинг муддатини узайтириш ёки бекор қилиш, жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқловчи, жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа масалаларини кўриб чиқиш учун утказилувчи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.

қимматли қўғозлар эгаси - қимматли қўғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс - дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган ва дивиденд олувчилар руйхатига қушилган жисмоний ёки юридик шахс.

дивиденд тулаш ҳақида қарор(эълон) - жамият акциядорлари умумий йиғилишининг маълум бир давр якуни бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик, жисмоний шахслар учун дивиденд тулаш ҳақидаги

карори(эълони).

дивиденд тулаш муддатлари – жамият уставида курсатилган ва жамият акциядорлари умумий йигилиш карорига кура дивиденд туланиши буйича олинган мажбурият муддати.

дивиденд тулаш шакли – жамият акциядорларининг умумий йигилиш карори буйича берилувчи пул ёки конуний тулов воситасининг тури.

дивиденд тулаш – конун буйича дивиденд олиш хукукига эга булган шахсга белгиланган маблағнинг туланиши ёки хисоб ракамига утказилиши.

Жамият капиталлаштиришининг усишини акциядорларнинг акцияларидан даромадларни чикариб олишдаги мулкий кизикишларини кондиришининг асосий усули сифатида куриб чикади.

Жамиятнинг Дивиденд сиёсати куйидаги принципларга асосланади:

тиниклилик принципи, яъни дивидендлар хисоблаш, тулаш шартлари ва тартиблари хакидаги карорларнинг очиклилиги;

уз вактидалик прнципи, яъни дивиденд туловини амалга оширилишининг вақт билан чегараланганлиги;

асосланганлик принципи, дивиденд тулаш ва унинг микдори хакидаги карор, жамият молиявий натижалари ижобий булгандагина амалга оширилади;

адолатлилик принципи, дивиденд тулаш хакидаги карор, унинг микдори ва тулаш тартиблари тугрисида ахборот олишда акциядорларнинг тенг хукуклилиги;

кетма кетлик принципи, дивиденд сиёсати принциплари ва иш тартибларини бажарилишидаги катъийлик;

ривожланиш принципи, жамият ривожланиш стратегиясига караб, дивиденд сиёсатини доимий ривожлантириб туриш;

конун коидаларнинг тургунлилик принципи, жамият томонидан дивиденд тулаш микдорини доимийлигига харакат килиш.

Жойлаштирилган акциялар учун дивиденд хакида карор кабул килиш акциядорлик жамиятининг хукуки хисобланади.

Эълон килинган дивидендларни тулаш жамиятнинг мажбурияти хисобланади.

Жамият жойлаштирилмаган акциялар ва бошка Узбекистон Республикаси конунчилигида курсатилган холатлар буйича дивиденд туламайди.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуklarини химоя килиш тугрисида»ги Конуннинг 54-модда 1 кисмида кузда тутилган холатлар буйича жамият акциялари буйича дивиденд тулаш ва хисоблаш хукукига эга эмас.

II. ДИВИДЕНД МИҚДОРНИ АНИКЛАШ ВА УНИ ХИСОБ КИТОБ КИЛИШ.

Акциядорлар умумий йигилиши молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, туккиз ойи натижаларига кура ва (ёки) молиявий йил натижаларига кура жойлаштирилган акциялар буйича дивидендлар тулаш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва туккиз ойилиги натижаларига кура дивидендлар тулаш тугрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилинади.

Дивиденд тулаш учун асосий манба жамият ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобланади. Соф фойда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланган бухгалтерия ҳисоботларидан аниқланади.

Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар буйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланади.

Умумий йигилиш дивиденд ҳисоблашни Жамият Уставига асосланган ҳолда амалга оширади. Дивиденд тулаш тугрисидаги қарор(эълон), дивиденд миқдори, дивиденд тулаш шакли жамият акциядорларининг умумий йигилиш қарори билан амалга оширилади. Дивиденд миқдори Қузатув кенгаши таклифи ва жамият Уставига асосланади.

Жамият қузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишига дивиденд ҳисоблаш учун тавсияни молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақидаги аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина тақдим қилади ва дивиденд ҳисоблаш молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Қузатув Кенгаши дивиденд миқдорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ҳамда ушбу Низомга асосланган ҳолда амалга оширади.

Жамият Қузатув Кенгашининг қарорлари, акциядорларнинг умумий йигилиши қарорлари барчаси баённома шаклида расмийлаштирилади.

Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари буйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар буйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Акциядорлар умумий йигилишининг дивиденд тулаш тугрисидаги қарори билан қуйидагилар аниқланиши керак:

қайси акция турлари буйича дивидендлар(эълон қилинган) туланган;

маълум бир акция турига туланувчи дивиденд миқдори;

дивиденд тулашнинг муддати, тартиби ва даври.

Қузатув Кенгаши тақлиф қилинувчи дивидендлар миқдорини аниқлаш даврида жамиятнинг қелгуси даврга мулжалланган малиявий хужалик фаолияти режалари, айланма маблағлар ва мажбуриятларнинг аҳолини ҳисобга олиши керак. Қузатув Кенгаши томонидан тақлиф қилинган дивидендларни тулаш жамиятни қушимча қарз маблағларни жалб қилишга ёки қушимча харажатларга олиб қелмаслиги керак

III. ДИВИДЕНД ТУЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

Дивиденд Узбекистон Республикаси миллий валютаси ёки Узбекистон Республикасида қабул қилинган бошқа қонуний тулов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қозғалари билан туланиши мумкин.

Узбекистон Республикаси норезидент акциядорларига дивидендлар уларнинг ёзма талабига биноан жамият эркин айланувчи валютага айрбошлаши ва норезидент акциядор қурсатган ҳисоб рақамига утказиб берилиши шарт.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган қундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият дивидендларни белгиланган муддатгача тулаш ҳуқуқига эга ёки белгиланган давр ичида хоҳлаган қунда тулаши мумкин. Агар қимматли қозғалар эгалари дивидендларни акциядорларнинг умумий йиғилиши белгиланган давр ичида ололмаса, акциялар бўйича дивидендлар тулаш давом этаверади. Бунда акциядорлар томонидан талаб қилинмаган дивидендлар тулов муддати белгиланган муддат тугаган даврдан сунг уч йилдан ошмаслиги керак.

Ҳар қандай акциядор жамиятга акциялар бўйича дивиденд ҳисоблаш татиблари, дивидендлар солиғи ва тулов тартибларини билиш ҳақида мувожадат қилишлари мумкин.

Акциядор узи ҳақидаги маълумотлар узғариши тугрисида қимматли қозғалар марказий депозитарийси ҳамда жамиятнинг акциядорлар билан ишлаш бўлимини узғаришлар тугрисидаги маълумотлар билан таъминлаб туриши зарур, ақс қолда акциядорга дивидендлар бўйича етказилган зарарлар ҳеч қим жавобгар бўлмайди. Агар акциядор дивиденд олиш учун уз банк ҳисоб рақамлари ёки утказилиши керак бўлган манзил тугрисида жамиятни уз вақтида оғхлантирмаса, жамият акциядор учун етказилган зарарлар бўйича жавобгар бўлмайди.

Жамият акциядорларга акциялари бўйича даромад тулаётган даврда солиқ агенти ҳисобланади ва ҳисобланган дивидендлардан Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қимматли қозғалар тартиби бўйича солиқ ушлаб қолингандагина ҳисобланган дивидендлар туловини амалга оширади.

Жамият Узбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан қуйидаги ҳолатларда акциялар бўйича дивиденд тулашга ҳақли эмас:

жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса,

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган ва эълон қилинган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТУЛАШ ТУГРИСИДА ЖАВОБГАРЛИК.

Жамият эълон қилинган дивидендларни ҳар бир акция тури буйича тулаб бериши шарт.

Дивидендлар тулаш даврида ҳеч қандай акциядор тулов муддати буйича имтиёзга эга бўлмайди.

Жамият томонидан оддий акциялар буйича дивидендлар тулаш даврида дивиденд олишнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳисобга олинади.

Жамият йирик акциядорга дивиденд тулаши натижасида, майда акциядорга уз муддатида дивиденд тулаш имкони бўлмаса йирик акциядорга дивиденд тулашга ҳақли эмас.

Жамият ижроия органи жамият акциядорларига дивидендларни тулик ва уз вақтида тулаб бериш учун жавобгар ҳисобланади. Жамият Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси ушбу масалалар буйича ижроия органини назоратга олади.

Дивидендлар уз вақтида тулаб борилиши таъминланиши учун Кузатув кенгаши дивиденд туланиши масалаларини уз йигилишларида қуриб боради. Агар ижроия органи айби билан дивидендлар уз вақтида, тулик туланмаса Кузатув кенгаши айбдор шахсларни жазолаш чораларини аниқлайди ёки жазолашни йулга қуяди.

Агар жамият томонидан дивиденд тулаш буйича уз мажбуриятлари бажарилмаса, ҳар бир акция тури буйича эълон қилинган дивидендларни суд орқали ундириш ҳуқуқларига эга.

Жамият туланаётган дивидендлардан дивиденд солиқларини ушлаш ва утказиб бериш буйича узига юклатилган солиқ агентлигини бажармаса ёки белгиланган тартиб буйича бажармаса Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланган ҳолда жавобгар ҳисобланади.

V. АХБОРОТЛАРНИ ОЧИШ ТАРТИБЛАРИ.

Ушбу Низом, унга киритилган қушимча ва узгартиришлар, бошқарув органининг ушбу узгартириш буйича йигилиш баённомаси имзолангандан сунг ун кун ичида жамиятнинг корпоратив веб сайтыда акс эттирилиши керак.

Жамият умумий йигилиши томонидан дивиденд тулаш тугрисида қарор қабул қилинса, жамият қонунчилиқда белгиланган тартиб ва муддат ичида

ахборотни ошкор этади. Жамият хисобланган дивиденд буйича акциядорларга электрон алоқа васиталари орқали хабар беради.

Булардан ташқари акциядорларга почта адреслари, банк реквизитлари узгарган тақдирда жамиятга хабар беришлари, хабар берилмай қолган тақдирда юзага келиши мумкин бу ҳолатлар ҳақида огоҳлантиришлари берилиши зарур.

Жамият дивиденд тулаш тугрисида уз мажбуриятларини вақтида бажарса, ушбу муҳим факт тугрисида қонунчиликда белгиланган тарзда хабар бериш йули билан ушбу маълумотларни очади.

VI. ХУЛОСА.

Ушбу Низом, унга киритилган қушимча ва узгартиришлар акциядорлар умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади.

Ушбу Низомга жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, жамият ички аудит хизмати ва ижроия органи тақлифига биноан қушимча ва узгартиришлар киритилиши мумкин.

Ушбу Низомнинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунчилиги ёки жамият уставига зид бўлса, ушбу бандлар уз қучини йукотади ва ушбу масалалар ечими Низомга узгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки жамият уставига асосланган ҳолда амалга оширилади.